



## ҲОЖИ МУҲАММАД ШАҲДИЙНИНГ ДЕВОНИ ҚЎЛЁЗМА НУСХАСИ ТАВСИФИ

*Жамаҳматов Каромиддин,*

*ТерДУ ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** қўлёзма, зуллисонийн, тазкира, манба, лисоний хусусият, Комиш Қундузий, вафоти тарихи, настаълиқ, сиддиқжоний, Ўротеппа, Кўчакоташинқалб, нусхалар фарқи, котиб, санъати такрор.

Ҳожи Муҳаммад Шаҳдийнинг девони қўлёзма нусхалари бугунги кунга қадар шахсий кутубхона ва қўлёмалар фондида сақланиб келмоқда. Девон таркиби 987 ғазал, 38 муҳаммас, 1 соқийнома жами 9 мингу 314 байтни камраб олган. Адабиётшунос олим С. Султонов таъкидлашча, Шаҳдий девонидан бизгача 30 нусха сақланиб келмоқда. Улар Тожикистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида, Ўбекистонда эса Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Бухоро вилоятидаги Ибн Сино кутубхонасида сақланмоқда. Шаҳдий куллиётида унинг бутун адабий мероси жамланган. Жумладан, Султон Саййидумар Кавкабий шоир адабий мероси ҳақида шундай дейди: “Куллиёти Ҳожи Муҳаммад Шаҳди (нусхаи хусуси) ғайр аз достони таърихийи шоир қариб ҳамаи мероси муаллифро фаро гирифтааст. Ин девони куллиёт китоби бузургест. Ҳажмаш 26x32, коғазаш зарди хўқанди, 389 варақ, хаташ настаълиқи сиддиқжонийи хоно ва зебо равшан, соли 1328/1910 аз тарафи абераи шоир Муҳаммад Маъсумхон китобат шудааст. Муқовааш аз чарми зард” [3,14]. *(Шаҳдий куллиётида (шахсий қўлёмаси) бир достондан ташқари бутун шоирнинг адабий мероси жамланган. Бу катта девон бўлиб, ҳажми 26x32, коғози сариқ кўқандий, 389 варақ, ёзуви настаълиқ сиддиқжоний, ўқишга яроқли, чиройли ёзувга эга бўлиб, 1328/1910 йили шоирнинг абираси Муҳаммад Маъсумхон томонидан китобат қилинган. Муқоваси эса сариқ чармдан иборат).* Яна биз билмаган нечта қўлёмаси мухлис халқимиз қўлида бўлиш эҳтимоли бор. Зеро, Шаҳдий девони халқ

дардини ҳар томонлама очиб берган шеърий девон саналади. Жумладан, девон бизнинг шахсий кутубхонамизда ҳам сақланади. Қўлимиздаги девон эса (шахсий нусхаси) жами: 305 бетдан иборат бўлиб, хати настаълиқ, ёзуви ўқишга яроқли, баъзи бетлари эскирган, муқоваси ва аввалги бетлари номаълум сабабларга кўра йўқолган. Мазкур девоннинг биринчи саҳифалари йўқлиги сабабли бизга шоирнинг ҳаёт ва фаолиятини ўрганишда бироз қийинчилик туғдирди. Бу қўлёмма 1297/1880 йилда моҳир котиб, хаттот Абдуллахон томонидан Ўратепада китобат қилинган. Қўлёммада ғазал жанри асосий уринни эгаллайди. Шоирнинг ғазалларида Жалолиддин Румий (1207-1273), Ҳофиз Шерозий (1325-1389) ва Мавлоно Лутфий (1366-1465) таъсирини кўп учратамиз: Лутфийнинг “Жиги-жиги” ғазали оҳангида Шаҳдий ҳам шеърий девонида учта ғазал ёзган. Мавлоно Лутфийнинг қўйидаги ғазали оҳанг ва услуб жиҳатидан содда ва равон бўлиб, халқона ва ошиқона янграб қалбга ҳузур бағишлайди.

**Фурқатинг ўлтурур мени тутма  
раво жиги-жиги,**

**Кўнглум олиб ёшунмағил баҳри  
Худо жиги-жиги....**

**Қуш тили андалибидек Лутфийи  
хаста ёлборур,**

**Гул киби чехрадин они тутма жудо  
жиги-жиги[5, 81-81].**

Мумтоз ўзбек шеърияти ифори

Шаҳдий ижодидаги ҳар бир ғазалда яққол сезилади. Шаҳдий форс-тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган бўлиб, унинг девони таркибида бир нечта ўзбекча ғазаллар ҳам мавжуд. Лекин, Лутфийга эргашиб “жиги-жиги” радифида ёзган тожикча ғазаллари бошқача наво, бошқача



оҳанг ва жозибаторликка эга. Шаҳдий ғазаллари ичида ушбу учта ғазаллардан бирини такдим этмоқчимиз:

**Бурқаъ бигиру рух кушо, баҳри  
Худо жиги-жиги,**

**Рўй ба ошиқон намо баҳри Худо  
жиги-жиги.**

**Шаҳдид бенаво бубин омада  
хаставу ҳазин,**

**Ёр ба мо биё нишин баҳри Худо  
жиги-жиги [2,294,95].**

Айтиш лозимки, шоирнинг ўзбек тилида ижод қилган ғазаллари бевосита мавзу ва ғоя жиҳатидан илоҳий ишқ, муҳаббат, ахлоқий жабҳаларни изоҳлайди. Ҳожи Муҳаммад Шаҳдий ҳам ўзининг ижодида юқорида зикр қилган шоирларнинг ижоди билан ҳамоҳанг ғазаллар ёзган. Шоир девонидаги ғазаллар мазмун ва маъно жиҳатидан илоҳий ишқ, ирфон ва ахлоқий қарашларга қаратилади. У икки тилда ижод қилган зуллисонайн шоир ҳисобланади, негаки шоир яшаган муҳитда икки тиллик анъанаси ривож топган эди ва илмий-адабий асарлар ҳам айнан икки тилда ёзиларди. Шоир қўлёмасидан навбатдаги ғазални келтирамиз:

**Келибтур бир қулинг Мажнун  
даргоҳ,**

**Тараҳхум қил манга, ё Қодир Аллоҳ.**

**Жамолингга ажаб девонадурман,**

**Юзинг кўрдим сени, Алҳамдулиллоҳ.**

**Сенинг отинг эрур Тоҳову Ёсин,**

**Сифоти зоти покинг қилса Аллоҳ.**

**Қоним тўксанг агар юз минг жафога,**

**Йўлингга бошимдур Алҳамдулиллоҳ.**

**Сизгиндим отинга жоним бериб деб,**

**“Ва фатҳун қарибун насрун  
миналлоҳ”.**

**Қўлим олғил мадад қилғил Илоҳим,**

**Келибман раҳмати даргоҳингга  
Аллоҳ...**

**...Кел эй Шаҳдий қадам қўй сан бу  
ишга,**

**Дегил расми сано, ё ҳасбуналлоҳ [2,  
284].**

Шаҳдий юқоридаги шеърида арабча сўзларни маҳорат билан қўллаб, сажъ санъати, мажоз, муболаға, ташбеҳ, истиора ва бошқа санъатлардан кенг

истифода этган. Аммо унинг ижодида “зикр аҳли” истилоҳлари асосий ўринни эгаллайди, чунки юқоридаги байтларда “Аллоҳни улуғлаш” “ҳамд” “наът”, “муножот”, “саловот”, “васф” муҳим мақомга молик. Қўлимиздаги қўлёзманинг биринчи варағи худди ана шу байт билан ибтидо топади.

**Ки дилҳои ин толибон шод шуд,**

**Ҳамон қаъба гўёки обод шуд.**

**Биё соқи ранжурдилу хастаем,**

**Гадовор дар роҳ биншастаем [2, 1].**

Байтнинг насрий баёни:

*Толиблар қалби шод бўлди, гўёки  
Қаъба обод бўлди, Соқий биз хастаҳолу  
дардмандмиз, гадодек йўлларда  
ўтирганмиз.*

Ботиний (ички) томондан байтни қуйидагича таҳлил қилса мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни шоирнинг асосий мақсади ошиқлар қалбига сурур бағишлаш, вайрона қалблар хотирини шод этиш, бамисоли Қаъбатуллоҳ (Аллоҳнинг уйини) обод қилиш билан баробар. Эй ишқ майидан насиба берувчи биз қалбан бемор, жисман хастаҳол бўлган ошиқлармиз. Маъшук васлида умр бўйи интизормиз, токи бизга ишқ неъматидан насиба берса. Султон Саййидумар Султонов қўлидаги девон эса ушбу байт билан бошланади.

**Хуми ваҳдат ба жўш омад зи ҳар  
майхонаи дилҳо,**

**“Ало ё аюҳассоқи адир қаъсан ва  
новилҳо” [1, 15].**

Байтнинг насрий баёни:

*Ваҳдат кўзаси майи қайнапти ҳар  
бир қалб майхоналаридан, Эй соқий  
косалар май билан тўладир ва май  
соғаридан менга узатгинки, сероб бўлай.*

Бизнингча, байтларнинг турли кўринишда келиши, бу икки қўлёзма нусхалари турли даврда, турли кишилар томонидан китобат қилинганидандир. Шаҳдий ижоди халқчил ва қалбга наво бахш этувчанлик хусусиятига эга эканлиги учун унинг девони кўплаб қўлёзма нусхаларга такрор кўчирилган. Котиб Абдуллахон Ақобирхожа ибни Мирхожа томонидан кўчирилган нусхада баъзи ғазалларида жузъий хатоликлар борлиги аён бўлди. Чунки китобат қилиш



жараёнида хаттот радиф ва кофияларни тушунмасдан ташлаб кетган, ёки баъзи сўзларни хато ёзиб, уни яна ҳошиясида ислоҳ қилган вариантини берган. Уни ўқиш ва мутолаа қилиш жараёнида гувоҳи бўлдик, фикримизнинг исботи учун кўлёзма нусхадан намуна келтирамиз:

**Хад нест сухан гўям то аз мадади пирон,**

**3-ин файзи ту ҳар шаб аз ғайб китоб омад** [1,100].

Унинг ислоҳ қилган варианты: 3-ин файзу футуҳи ту аз ғайб китоб омад.

**Ҳар кас ба жаҳон он рўҳи зебои туро дид,**

**Жон бохта имрўз чу расвои жаҳон шуд.**

**Имрўз ажаб мастиву девонагӣ дорам,**

**Савдои сари зулфи ту дар кавну макон.....**[1, 88].

Мазкур ғазалда “шуд” радифи билан мисралар охири тугаган, аммо бу ғазалда “Савдои сари зулфи ту дар кавну макон” мисрасида “шуд” радифи тушиб қолган. Бундай ҳолат бошқа ғазалларда ҳам учрайди, аслида бу хатоликлар жиддий хато деб ҳисобланмайди, балки котиб томонидан китобат қилиш жараёнида тушунмаслик оқибатидир. Шаҳдий кўлёзма девони интиҳосида котиб Абдуллахон томонидан қуйидаги байтлар ёзилган:

**Ки чандин маҳал ҳам бигаштам хамўш,**

**Маро амр шуд бас бикардам хурўш.**

**Шукр, ки ин нусха ба унвон расид,**

**Пештар аз марг ба поён расид.**

**Ҳар ки хонад дуо тамаъ дорам,**

**3-онки ман бандаи гунаҳкорам** [1,305].

Байтнинг маъноси:

*(Бўлдим мен ҳам неча маҳал хомуш,*

*Буюрилди менга, жондан қилдим хурўш.*

*Шукрим, нусха унвонга етди,*

*Ажалдан олдин поёнга етди.*

*Ҳарким ўқиса дуо умидим бор,*

*Чунки мен бир қулман гуноҳкор*  
*(муаллиф таржимаси)*

Кўлёмани китобат қилиш тарихи ҳақида Абдуллахон навбатдаги арабча жумлаларни ёзади: “Тамматул китоб

биавнил мулкил Ваҳҳоб валлоҳу аълам биссавааб” фий шаҳри шаъбонил муъаззами фий явмил жумъати санатун алфун ва миатони сабъа ва тисъуна” (Мазкур китоб ҳақиқий мулк эгаси Ваҳҳоб Зот Аллоҳ Ҳақ Субҳонаҳу ва таолонинг изни ва инояти билан савоб умидида улуг шаъбон ойи жумъа куни 1297/1880 йил китобат қилинган. Валлоҳу аъламу биссавааб)

Абдуллахон Ўратепагий илм аҳли ва тақво аҳлидан бўлиб, хуснихатда, хаттотликда замонасининг маъруфи эди. Кейинги байт, котибнинг баъзи жузъий хато қилганлиги ҳақида ўзи томонидан иншо қилган парчалардир. Ушбу китобни нусха кўчиришдан асосий мақсади давр тақозоси ва мухлислар талабига биноан амалга оширган эди. Шаҳдий ашъори дилрабо ва самимийлиги билан котиб ва халқ кўнглига йўл топган. Чунки бу нусхани “Ёдгор” (ёдгорлик) дейди.

**Ба ёдгор навиштам ман ин китобро,**

**Вагарна ин хати ман лоиқи китоб нест** [1,305].

Байтнинг насрий баёни: *(Ёздим мен бу китобни ёдгорлик учун,*

*Аслида менинг ёзувим эмасдир лоиқи китоб. Ж.К).*

Девон хотимаси котиб исми билан яқунланади. “Ин китоб дар миёни тоқайни Абдуллоҳхон ба дасти Ақобирхожа ибни Мирхожа тамом ёфт. Таммат тамом шуд китоб” [1,305]. (Бу китоб Абдуллоҳхон тоқайни ўртасида Ақобирхожа ибни Мирхожа қўли билан тугади). Ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, Шаҳдий девони ярим асрдан кейин Ақобирхожа ибни Мирхожаи Абдуллахон томонидан ёзилган.

**Шоир ҳаёти ва фаолияти.** Илова

тариқасида шуни таъкидлаш лоизмки, форс-тожик зуллисонайн шоири Ҳожи Муҳаммад Шаҳдий 1762 йил Ўратепа (Ур-Теппа, ҳозирги номи Истаравшан Тожикистон Республикаси) шаҳрида, ҳунарманд оиласида дунёга келган. Бошланғич таълимни отасидан олиб, кейинчалик Кўкғумбаз мадрасасида давом эттирган. Отаси зиёли, шоир ва илм аҳлидан бўлиб, унинг исми Сўфий Кўчак



эди, шоир девонида отаси ҳақида тожикча сатрлар мавжуддир:

**Падарам асл Кўчаки баққол,**

**Ин насиб аз азал Худо кардаст**  
[1,56].

Байтнинг насрий баёни: *Отам асли Ўратепанинг Кўчак деган жойидан бўлиб, касби эса баққолдир. Бу неъматни азалдан Аллоҳ таоло унга насиб этган.*

Шаҳдийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида Комий Қундузийнинг “Мунтахабу-ут-таворих”ида, “Султон Саййидумар Кавкабийнинг “Рўзгор ва осори Ҳожи Муҳаммад Шаҳдий” деган асарида мухтасар таржимаи ҳоли берилган. Маълумотларга таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, шоир ҳаёти изтироб ва ҳаёт машаққатлари билан тўла. Бутун умри давомида камбағаллик ва фақирлик либоси билан ҳаёт кечирган, унинг ҳаёт ва фаолиятини ёритувчи асосий манба адибнинг девони ҳисобланади.

**Мискину ғарибам на ёранду бародар,**

**Афтода ба кунжам, ки на хешу на табор аст** [1,68].

Байтнинг насрий баёни: *Мен бир бечораву мискину ғарибдурман, қариндошу ёронларим йўқ, бир гўшада хастаҳол бўлиб, ақрабойимдан айрилганман.*

Шаҳдий халқ шоири ва халқ маҳбуби эди, у баракотли умри давомида ўзидан шеърӣ девон мерос қолдирган. Шоир 1842 йилда она ватани Истаравшанда бу дунёда охиратга сафар қилади. Шаҳдий ҳақида замондош шоир, асли афғонистонлик ва кейинчалик Қўқонда ҳаёт кечирган Комийи Қундузий адиб вафотига оид таърих моддасини ёзган. Уни “Таърихи вафоти Ҳожи Муҳаммад Истаравшани” [3,13] деб номланган.

**Баҳри таърихи хирад Коми кашаида охи пок,**

**“Қабри Ҳожи Муҳаммад Шаҳди мунаввар бод”, бод** [4, 144].

Байтнинг насрий баёни: *Комий хирад тарихи (Шаҳдий, Ж.К) учун пок фиғон чекди, Ҳожи Муҳаммад Шаҳдий қабри нур*

*билан ҳамшиша тўлсин.* Агарда “Қабри Ҳожи Муҳаммад шоир мунаввар бод” мисрасидан “Оҳи пок” лафзидан абжад ҳисобида 29 рақами чикса 1261 рақами қолади. 1261/1845. Яна бошқа манбаларда шоирнинг вафотини 1839 йил деб айтади. Биз ҳам ушбу 1839 йилни оламиз, бу ҳақда Шаҳдийнинг ўғли Муҳаммадсолиҳ Нодим Истаравшанийни қўйидаги байти мисол бўлади:

**Ҳар кас, ки кунад суроғи пирам,**  
**Таърих шудааст “боғи пирам”**  
[3,182].

Саййидумар Кавкабий айтади: “Ибораи “боғи пирам” 2-1-1000-2-10-200-40-1245 ҳижри ва 1839 милоди мешавад” [1, 13]. “Боғи пирам” изофаси 2-1-1000-2-10-200-40-1255 ҳижрий ҳосиласи чиқади. Ушбу 1255 йилни милодийга айлантирсак, 1839 йил бўлади. Нодим Истаравшаний Шаҳдийнинг фарзанди бўлиб, унинг ҳаётини атрофдаги шоир ва тазкирачилардан яхшироқ билар эди. Шунинг учун унинг юқоридаги “таърих моддаси” ҳақиқатга яқиндир.

**Хулоса** ўрнида айтиш жоизки, Шаҳдийнинг “Девон” асари нафақат форс-тожик адабиёти, балки ўзбек адабиёти ва бутун шарқ мумтоз адабиётида янги, тадқиқ қилинмаган манба сифатида шахсий кутубхоналарда ва кўлёмалар фондида сақланиб келмоқда. XIX асрнинг адабий-маданий ҳаётини ўрганиш жараёнида Шаҳдий ижоди ўша даврнинг адабий муҳитини янада батафсилроқ ўрганишда ёрдам беради. Шаҳдий қиёфаси ушбу “Девон”да бир оддий халқ ичидан чиққан зуллисонайн, ирфон аҳли, тариқат аҳлига содиқ ва маҳоратли шоир қиёфасида гавдаланади. Зеро, Шаҳдий ижоди ҳаётлик даврида ўз мухлисларини топган. Ҳозирга қадар 30 дан ортиқ кўлёмалари Ўбекистон ва Тожикистонда сақланиб келинмоқда. Шоир ижоди ва ҳаёт-фаолиятини ўрганиш учун асосан “Девон”ини тадқиқ ва таҳлил қилиш лозимдир.



### Адабиётлар рўйхати

1. Саидумари Султон. Рўзгор ва осори Шахдий. - Душанбе: Ирфон, 1998. -177 бет.
2. Ҳожимуҳаммад Шахдий. Қўлёзма нусхаси. -Девон, 1880.-305 бет.
3. Нодим Истаравшаний. Девон. Қўлёзма.-Тожикистон ФА қўлёзмалар фонди.
4. Комийи Қундузий. Таворихи манзума.-Тожикистон ФА. № 204.- 144 бет.
5. Мавлоно Лутфий. Лутфий шеърятидан. Шарқ классик меросидан. -Тошкент: Ўбекситон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти, 1985.-118 бет.

**Жамахматов К. Описание рукописной коллекции (дево́н) Шахдия.** Статья посвящена описанию рукописной коллекции Хаджи Мухаммеда Шахди, композиции девона, его билингвизму, истории написания копий и кратко жизненным действиям. Краткий комментарий на эту тему был дан путем цитирования стихов в произведениях поэта. Суть творчества поэта подробно описана в контексте предмета. Важно, чтобы Секретарь предоставил важную историческую информацию о книге Девона. Смех шахидских тем, эльфийские этические утверждения повторяются в каждой газели. Тот факт, что в поэтических текстах девонских переводчиков были незначительные ошибки и склонность к мятежу, указывает на сильные и слабые стороны писца. Поэтому в статье мы предоставили байты творчества поэта и описали рукопись.

**Jamaxmatov K. Description to the manuscript collection (devon) of Shahdiy.** The article deals with the description of the manuscript copy of Hadji Muhammed Shahdi, the composition of the devon, his bilingualism, the history of the writing of the copies, and briefly the activities of life. A brief commentary was given on this topic by quoting poems in the works of the poet. The essence of the poet's work is described in detail in the context of the subject. It is important that the Secretary has provided important historical information on the devon book. The laughs of Shahdian themes, the elfical ethical statements, are echoed in every ghazal. The fact that there were minor errors in the poetic texts of the Devon translators and the inclination to the rigory notes the scribe's strengths and weaknesses. Therefore, in the article, we have presented bytes of poet's creative work and described the manuscript.